

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ НУРБЕК НОРМУРОДОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ОМИЛЛАРИ
ВА ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.02. – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**География фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Юлдашев Нурбек Нормуродович

Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурслари шаклланишининг ижтимоий-демографик омиллари ва ҳудудий хусусиятлари.....3

Юлдашев Нурбек Нормуродович

Социально-демографические факторы и региональные особенности формирования трудовых ресурсов в Кашкадарьинском вилояте.....21

Yuldashev Nurbek Normurodovich

Socio-demographic factors and regional features of labour resources formation in Kashkadarya region.....41

Эълон килинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ НУРБЕК НОРМУРОДОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ
ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ОМИЛЛАРИ
ВА ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.02. – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

География фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2018.1.PhD/Gr39 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий Кенгаш веб-саҳифаси (nauka.nuu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тожиева Зулхумор Назаровна**
География фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қаюмов Абдуҳаким Абдуҳамидович**
География фанлари доктори, профессор

Исламов Анвар Аширкулович
Иқтисод фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.G.01.06. рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24. e-mail:ik-.geografiya.nuuz@mail.ru.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 4-уй., (99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д, профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
г.ф.н.доцент

А.А.Қаюмов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ҳар бир давлати ва жамият тараққиёти, муайян ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳоли, унинг иқтисодий фаол қисмини ташкил этадиган меҳнат ресурслари билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш муҳим илмий, амалий ва ташкилий аҳамият касб этади¹. Бу ҳолат мамлакатларнинг ўз аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини пасайтиришга қаратилган ислохотлар олиб боришни талаб этади.

Дунёда меҳнат ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши, улардан фойдаланишнинг ижтимоий-демографик омиллари ва ҳудудий хусусиятларини аниқлаш, аҳоли иш билан бандлик даражасини оширишнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда, аҳоли табиий ва механик ҳаракати натижасида шаклланаётган меҳнат ресурсларининг ижтимоий-демографик омиллари, таълим, меҳнат миграцияси, иш билан бандликни таъминлаш, ишсизликни пасайтириш ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш каби ҳудудий хусусиятларни эътиборга олишга устувор аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, меҳнат ресурслари шаклланишининг ижтимоий-демографик омиллари ва ҳудудий хусусиятлари меҳнат ресурсларини тақсимлаш ва ундан фойдаланишда асосийлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...минтақаларда аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, аҳоли ўсиш суръати энг юқори бўлган Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ҳудудий таркиби ҳамда улардан самарали фойдаланишни такомиллаштиришга доир мақсадли тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1011-сон «Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжалиқларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур йўналишдаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация

¹Халқаро меҳнат ташкилотининг (ILO) «Меҳнат миграцияси бўйича глобал кўрсаткичлар: натижалар ва услубиёт» қўлланмаси. Женева. 2018 й., 4-б. www.ilo.org/global/topics/labour-migration/publications/WCMS

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда унга таъсир этувчи ижтимоий-демографик омиллар қатор хориж олимлари – Ж.Граунт, А.Смит, А.Гийяр, В.Леонтъев, Г.Беккер, Р.Холл, П.Дэймонд, Д.Мортенсен, Х.Леманн, К.Писсаридес, К.Циммерман, Х.Райнерлар томонидан ўрганилган. МДХ мамлакатларида Г.Струмилин, А.Я.Боярский, Т.И.Заславская, Д.Бреев, Е.В.Касимовский, Б.И.Кононенко, Э.Р.Саруханов, В.А.Борисов, Д.И.Валентей, П.Литвяков, Е.Чернова, А.Котляр, А.Г.Вишневский, В.Е.Гимпельсонларнинг илмий асарларида таҳлил этилган.

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва демографик жараёнларга оид илмий тадқиқотлар М.Қ.Қорахонов, М.Р.Муллажонов, А.А.Абдуғаниев, Қ.Х.Абдурахмонов, Э.А.Аҳмедов, Б.Х.Умурзаков, Н.Хўжаев, Ш.Р.Холмўминов, Р.А.Убайдуллаева, Г.К.Саидова, Т.И.Раимов, А.А.Қаюмов, Л.П.Максакова, О.Б.Ата-Мирзаев, А.С.Солиев, М.Р.Бўриева, З.Н.Тожиева, З.А.Толаметова, Р.Б.Қодиров, И.Отажонов, Г.Ходжаева, Г.Утепова ва бошқалар томонидан олиб борилган. Уларнинг илмий изланишлари республика аҳолиси ва меҳнат ресурслари шаклланиши назарий жиҳатларига бағишлангани билан эътиборга лойиқдир.

Қашқадарё вилояти аҳолиси ва меҳнат ресурсларига оид айрим ёндошувлар Р.Ходиев, С.Исломов, М.Янгибоев, И.Тоиров, Ш.Имомов, Л.Эрдонов, К.Хомитов, А.Исломов, Д.Эгамова сингари олимларнинг ишларида ёритилган.

Мазкур тадқиқот юқоридагилардан фарқли равишда, Қашқадарё вилоятининг шаклланаётган меҳнат ресурслари ва уларга таъсир этувчи ижтимоий-демографик омилларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашнинг истиқбол йўналишларини такомиллаштиришга бағишланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг П.2-38. «Ўзбекистон қишлоқ жойларининг ижтимоий-демографик ва экологик ривожланиши муаммолари» (2002-2005) ҳамда давлат илмий тадқиқот дастурлари доирасидаги ОТ-Ф1-022-рақамли «Иқтисодий барқарор ривожланишини таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва заҳираларни сафарбар қилишнинг илмий-методик асослари» (2017-2020) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурслари шаклланишининг ижтимоий-демографик омиллари ва уларнинг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш, аҳоли бандлик даражасини оширишнинг асосий

йўналишларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меҳнат ресурслари тушунчаси ва унинг ўрганилиши, услублари ва шаклланишининг ижтимоий-демографик омилларини аниқлаш;

Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурслари динамикаси ва ҳудудий таркибидаги мавжуд ўзгаришларни ифодалаш;

меҳнат ресурслари шаклланишида демографик жараёнлар - туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари таъсирининг ҳудудий хусусиятларини таҳлил этиш;

ижтимоий-иқтисодий омилларнинг меҳнат ресурслари шаклланишида тутган ўрнини баҳолаш;

вилоятда аҳолининг меҳнат билан бандлик даражасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланишини прогноз қилиш;

меҳнат ресурслари шаклланиши ва аҳолининг меҳнат билан бандлигига тааллуқли илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Қашқадарё вилояти меҳнат ресурсларининг ҳудудий-демографик таркиби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети меҳнат ресурслари шаклланишига ижтимоий-демографик омилларнинг таъсири, аҳоли бандлиги муаммолари ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: Диссертация тадқиқотида тизим-таркиб, демографик-статистик, «когорт-компонент» ёки ёш суриш, иқтисодий ва ҳудудий таҳлил, картографик, математик, географик таққослаш, географик ахборот тизими (ГАТ), социологик сўров усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилояти аҳолисининг ёш-жинсий, ҳудудий таркиби ва меҳнатга лаёқатли қисмининг 2030 йилга мўлжалланган прогноз параметрлари когорт-компонент (ёш силжитиш) усули асосида ишлаб чиқилган;

вилоят ва ҳудудлар меҳнат бозорига кутиладиган демографик босим, янги иш ўринларига бўладиган талаб (таълим муассасалари битирувчилари асосида) ҳамда меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг 2025 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари эксперт баҳолаш усулида ишлаб чиқилган;

меҳнат ресурслари ҳисобот балансининг шаклланиш қисми хорижий ишчилар ва меҳнат мигрантларини қўшиш орқали такомиллаштирилган;

илк бор меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари (иқтисодий фаоллик, бандлик, ишсизлик ва иш билан таъминланиш даражалари) акс эттирилган «Қашқадарё вилояти меҳнат ресурслари» картаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Қашқадарё вилояти меҳнат ресурслари шаклланиши ва жойлашувининг ўзига хос жиҳатлари акс эттирилган «Қашқадарё вилояти аҳолиси» ҳамда «Қашқадарё вилояти меҳнат ресурслари» карталари тузилган;

Қашқадарё вилояти аҳолиси ва меҳнат ресурслари сони ҳамда таркибининг истиқболдаги кўрсаткичлари прогнози ишлаб чиқилган;

вилоят меҳнат ресурслари иш билан бандлигини таъминлашда мавжуд асосий муаммолар аниқланган, уларнинг ечимига оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги статистик маълумотларидан фойдаланилганлиги билан асосланади. Асосий натижалар илмий-назарий ишланмалар ҳамда ёндошувларда ўз аксини топган, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилган, олинган тадқиқот натижалари тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурслари шаклланишининг ижтимоий-демографик омиллари ва уларнинг ҳудудий хусусиятларини баҳолаш, аҳоли бандлик даражасини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий ва таҳлилий хулосалар, тавсия этилган таклифлар Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини яратишда, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишда ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилояти меҳнат ресурслари шаклланишининг ижтимоий-демографик омиллари ва ҳудудий хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қашқадарё вилоятида аҳолининг ёш-жинсий ва ҳудудий таркиби ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолисининг когорт-компонент усулида ҳисобланган 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 4 майдаги 13-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнат ресурслари ҳисобот балансини ҳисоблаш бўйича услубий низом»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 5 мартдаги 01/1-12-17/2-72-сон маълумотномаси). Натижада вилоят аҳолиси ва меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли аҳолисининг динамик ўсиши, жойлашуви, 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари инобатга олинган ҳолда туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган;

Қашқадарё вилоятида меҳнат бозорига кутиладиган демографик босим ҳамда янги иш ўринларига бўладиган талаб ҳамда меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг 2025 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Концепцияси» тўғрисидаги қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 10 апрелдаги РГ-3-1/69-сон билан Президент Администрациясига тегишли тартибда юборилган хати, вазирликнинг 2019 йил 12 июндаги БУ-6-3-1/20-4-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудларни комплекс

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хусусан, аҳоли бандлиги таркибини янада такомиллаштириш, ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда келгусида яратиладиган иш ўринларини кутиладиган демографик босимга мутаносиб ҳолда ташкил этиш имконияти яратилган;

меҳнат ресурслари ҳисобот балансининг ҳозирда ҳисобга олинмаётган хорижий ишчилар сонини кўшиш эвазига такомиллаштирилган шаклланиш қисми Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 4 майдаги 13-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнат ресурслари ҳисобот балансини ҳисоблаш бўйича услубий низом»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат статистика кўмитасининг 2019 йил 5 мартдаги 01/1-12-17/2-72-сон маълумотномаси). Натижада республикада меҳнат ресурсларини шаклланишига таъсир этувчи демографик омилларни чуқур статистик таҳлил этишга ва таҳлилларда фойдаланиладиган статистик кўрсаткичларнинг таркибини кенгайтишига олиб келиш жумладан, меҳнат ресурслари ҳисобот балансининг (шаклланиш қисмидаги меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, ишловчи ёшлар ва кексалар) ҳозирда мавжуд методикасини такомиллаштириш имконини берган;

рейтинг тизими асосида илк марта ишлаб чиқилган вилоят меҳнат ресурсларининг ривожланиши, касбий-малака ва мобиллик даражаси ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари акс эттирилган «Қашқадарё вилояти меҳнат ресурслари картаси» Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларни баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қарор лойиҳаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 15 майдаги РГ-3-1/6-90-сон хати билан тегишли тартибда келишиш учун вазирлик ва идораларга юборилган). Натижада худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичларини шакллантириш, аҳоли иш билан бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 4 та монография (учтаси ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда (биттасида Global Impact Factor индекси — 1,034) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва

зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Меҳнат ресурсларининг шаклланиш омиллари ва уни тадқиқ этишнинг назарий-методологик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида меҳнат ресурслари тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, келиб чиқиши, қўлланилишига оид илмий-назарий ва услубий қарашлар, меҳнат ресурслари шаклланишининг методологик асослари ва бу борада илмий манбаларда берилган таърифлар таққосланган. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ҳудудий жойлашувидаги ўзига хос қонуниятлар, шунингдек, уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинди.

Меҳнат ресурслари ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муносабатларининг ажралмас қисмидир. Улар асосий ишлаб чиқариш омиллари қаторидан жой олиб, меҳнат ресурсларисиз аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва исталган иқтисодий масалаларни ҳал этиб бўлмайди. Меҳнат ресурслари жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлиб, мамлакат аҳолисининг ўзининг руҳий-физиологик ва интеллектуал хусусиятлари туфайли, моддий ва маънавий неъмат ва хизматларни ишлаб чиқариб, жамият учун фойдали меҳнат фаолиятида қатнаша оладиган қисмидан иборат. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, меҳнат ресурслари шаклланишида ижтимоий омиллар алоҳида мавқега эга бўлиб, улар меҳнат ресурсларининг миқдор ва сифат жиҳатдан ривожланишини характерлайди. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг шаклланишида иқтисодий омиллар, хусусан, иш билан таъминланиш даражаси, яшаш манбалари мавжудлиги ҳамда қулайлиги, иш ўринлари миқдори ва меҳнат муносабатлари маълум ҳудуддаги меҳнат ресурсларининг ҳам сифатий ҳам миқдорий ортишига замин яратади.

Меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлиши демографик жараёнлар билан уйғунлашади. Бироқ, меҳнат ресурсларининг муайян даврда шаклланиши билан демографик жараёнлар ўртасида вақт тушунчаси ётади, чунки, бугун ишлаб чиқаришга кириб келаётган меҳнат ресурсларининг ҳажми бундан 15-16 йил олдинги демографик жараёнларни акс эттиради.

Меҳнат ресурсларининг шаклланишига демографик омиллардан ташқари ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳам таъсир кўрсатади. Унга аҳолининг турмуш даражаси, таълим тизими, инсон капитали, ишлаб чиқаришнинг таркиби, аҳоли миграцияси кабиларни киритишимиз мумкин. Меҳнат ресурсларининг тақсимланиш босқичи уларни ижтимоий гуруҳлар, иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари миқёсида, шунингдек мулк шакллари бўйича бўлинишини англатади. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш босқичи ишчи кучини такрор барпо қилишга мос келиб, меҳнат ресурсларини ишга жойлаштириш, уй ёки томорқа хўжалигида банд қилиш, қайта тақсимлаш,

қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва ундан фойдаланиш жараёнларини қамраб олади. Меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлишидаги мазкур жараёнлар уларни муайян категория сифатига асос бўлсада, бу борада турли фикрлар мавжуд. Хусусан, Е.В.Касимовский, А.Э.Котляр ва бошқа олимлар меҳнат ресурсларини социал-иқтисодий категория, деб ҳисобласалар, Е.П.Чернова ва унинг маслақдошлари уни иқтисодий-демографик категория эканлигини таъкидлайди. А.Э.Котляр фикрича, меҳнат ресурслари бирор бир ҳудуднинг меҳнатга лаёқатли, халқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган ва банд бўлмаган аҳолисидир. Бу масалага П.П.Литвяков қуйидагича ёндошади: «Меҳнат ресурслари тушунчаси белгиланган ҳудуд, масалан, қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят, ўлка, республика билан боғлиқдир». Бундай ёндашув ишчиларга умумий таъриф берилаётганда, шунингдек, демографик нуқтаи-назардан ўзини тўла оқлайди. Табиийки, гап ишчиларнинг халқ хўжалиги тармоқларидаги бандлиги, касб-малака даражаси ҳақида кетса ва демографик кўрсаткичлари инобатга олинмаса, унда меҳнат ресурслари тушунчаси ўрнида ишчи кучи атамаси қўлланилади. Масаланинг шу жиҳатларини ҳисобга олганда биз А.А.Қаюмовнинг «меҳнат ресурслари социал-географик категория» деган фикрига қўшилган ҳолда, меҳнат ресурслари шаклланишидаги демографик омилни ҳисобга олиб, таърифни яна ҳам тўлдириш мақсадга мувофиқ бўларди. Демак, «меҳнат ресурслари, социал-географик ва демографик категория», деб баҳоланиши унинг барча шаклланиш ва фаолият кўрсатиш хусусиятларини қамраб олади.

Аҳолининг ёш таркиби мутахассислар томонидан прогрессив, стационар ва регрессив таркибларга ажратилади (А.Г.Сундберг. 1899 йил). Мазкур таркиблардан прогрессив таркибда нафақат аҳоли сони, балки, меҳнат ресурслари сони ва салмоғи ҳам ошиб боради. Аксинча, регрессив таркибда меҳнат ресурслари етишмаслиги муаммоси вужудга келади. Бундай вазиятда миграция омили етакчи ўринга чиқади. Қашқадарё вилояти аҳолисини ҳам кўп йиллардан бери прогрессив ёш таркибига мансублигини қайд этиш жоиздир. Меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлиш жараёнида аҳолининг жинсий таркиби ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бунда биринчидан, аёлларнинг ижтимоий меҳнатдан муайян вақтга узилиши юз берса, иккинчидан, ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилиши ва улардаги иш ўринларининг жинслар нисбатида ўзгаришларга олиб келиши содир бўлади.

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг шаклланиши даражаси аҳоли сони динамикасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, у даставвал ижтимоий, иқтисодий, экологик, демографик жараёнлар таъсири остида амалга ошади. Туғилиш ва ўлим кўрсаткичларининг “тўлқинсимон” кўринишда ўзгариши, аҳоли ўртача умр кўриш ёши ва физиологик параметрларининг ортиши, миграцион кўрсаткичларнинг (айниқса, манфий миграцион сальдо) пасайиши каби кўрсаткичлар юқоридаги жараёнларга мисолдир.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик кўрсаткичларидан бири — шаклланган меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, туман ва шаҳарлари орасида меҳнат ресурсларининг бир қатор кўрсаткичлар бўйича эгаллаган ўрни, ўзига хос рейтингги аниқланиб, таҳлил этилиши уни

истикболда янада ривожлантиришда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Буни амалга оширишда Қашқадарё вилояти бўйича меҳнат ресурсларининг асосий 4 та кўрсаткичи бўйича рейтинги аниқланади. Булар — меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаоллик даражаси, меҳнат ресурслари таркибида иш билан бандларнинг улуши, ишсизлик даражаси ҳамда иш билан таъминланишга мухтож аҳолидан ишга жойлаштирилганлар улуши. Ана шу кўрсаткичлар орқали вилоят туман ва шаҳарларининг қай бирида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ижобий ва аксинча, қай бирларида салбий эканлигини аниқлаш мумкин. Ўз навбатида таҳлиллар орқали, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлган туманлар ютуқларидан фойдаланиш, рейтингда паст кўрсаткичга эга туман ва шаҳарларнинг бу борадаги муаммоларини атрофлича ўрганиш ҳамда бартараф этиш зарурияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, ушбу рейтинг кўрсаткичлари тадқиқотидан ҳудудларда шаклланаётган ва мавжуд меҳнат ресурслари баланс кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Мазкур диссертация ишида меҳнат ресурслари ҳисобот балансининг шаклланиш қисми хорижий ишчилар ва меҳнат мигрантларини қўшиш орқали такомиллаштирилди.

«Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурсларининг шаклланиши, ривожланиши ва ҳудудий таркибига ижтимоий-демографик омилларнинг таъсири» деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё вилоятида аҳоли ва меҳнат ресурсларининг динамик тенденциялари, меҳнат ресурслари шаклланиши, жойлашуви ва тақсимланишига таъсир этувчи демографик ҳамда ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлил этилган.

Моддий ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши мунтазам равишда қайта тикланувчи ҳаётий жараён – меҳнат ресурслари, ишчи кучининг такрор барпо бўлишига боғлиқ бўлиб, у етарли шарт-шароит мавжуд бўлгандагина амалга ошади. Айни пайтда, меҳнат ресурсларининг доимий такрор барпо бўлиши меҳнат бозори шаклланишининг демографик асоси сифатида мамлакат ёхуд минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси ва вилоятларда иқтисодий фаол, иқтисодий фаол бўлмаган ҳамда иш билан банд аҳоли миқдори таҳлил этилганда, бир қатор парадокс ҳолатларга гувоҳ бўлиш мумкин. Мисол учун, мамлакат бўйича жами иқтисодий фаол ва банд аҳоли сони миқдори сўнгги 10 йилда мунтазам ортгани ҳолда, иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли миқдори шу давр мобайнида 300 минг кишига камайган. Бунга мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, иқтисодий фаол бўлмаган аҳолига (асосан, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган меҳнат ёшидагилар, ҳомиладорлик ва бола тарбияси билан банд бўлган фуқаролар) кўрсатилаётган имтиёзлар ва уларни иш билан бандлар сафига тобора кўпроқ қўшилаётгани каби омиллар сабабчидир.

Республикада ўзига хос демографик вазиятга ва ривожланиш хусусиятига эга бўлган Қашқадарё вилояти, аҳоли таркибида ёшлар салмоғининг устунлиги ва бу жиҳатдан умуммамлакат ўртача кўрсаткичидан

юқорилиги билан ажралиб туради. Бироқ, республикада кечаётган демографик жараёнлардаги ўзгаришлар биров кечикиб бўлсада, воҳада ҳам амалга ошган ва ошмоқда. Меҳнат ресурслари шаклланишида аҳолининг ёш-жинс таркиби бирламчи демографик асос бўлиб хизмат қилади. Миқдор жиҳатдан ҳудуд аҳолиси ёш тоифаларида ўсиш рўй бераётган бўлса-да, жами аҳолига нисбатан салмоғида камайиш кузатилади. Хусусан, меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлганларнинг жами аҳолига нисбатан улуши 44,1 фоиздан 32,2 фоизгача қисқарган, бироқ, уларнинг сони 773,0 мингдан 1015,0 минг кишига кўпайди, ёки 30 фоизга ўсган. Муайян ёш тоифаларининг жами аҳолига нисбатан тутган ўрни ва ундаги ўзгаришларга ижтимоий-иқтисодий жараёнлар шунингдек, миграцион алоқалар ҳам сезиларли таъсир этади. Масалан, 1959-1979 йилларда Қашқадарё воҳасига асосан ёш оилалардан иборат кўчиб келувчилар оқими ва уларда амалга ошган туғилиш жараёнлари меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлганлар салмоғини 43,5 фоиздан 46,1 фоизгача ўзгаришига сабаб бўлган. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг жами аҳолига нисбатан улуши эса мустақиллик йилларида 47,3 фоиздан 57,0 фоизгача ошди. Ушбу ўзгаришлар аҳоли сони ва меҳнат ресурсларининг ёш-жинс таркиби ва ундаги ўзгаришларга замин ҳозирлаган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, вилоят туғилиш жараёни бўйича республикада олдинги ўринларда турибди ва туғилиш кўрсаткичлари республика ўртача кўрсаткичидан анча юқори. Бугунги кунда, вилоят ҳудудларидан Муборак, Косон шаҳарларида туғилиш кўрсаткичи демографик мезондан паст. Китоб, Қарши, Ғузор туманларида демографик мезон атрофида, Қамаш, Чирокчи туманларида демографик мезондан юқоридир. Туғилиш коэффициентлари динамикасининг илмий таҳлили кўрсатишича, Қашқадарё вилоятида республикада 1981-1990 йилларда бошланган оилаларнинг кўп болалиқдан ўртача болалиққа ўтиш жараёни биров жадаллашди. Мисол учун, 1995 йилда вилоятда бир оилага тўғри келадиган болалар сони ўртача 4 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 2,5 тага тушиб қолган. Аммо шундан сўнг ушбу кўрсаткичда биров кўтарилиш кузатилган, яъни, 2017 йил якунида бу рақам 2,7 га етган.

Аҳоли ўлим кўрсаткичларининг меҳнат ресурслари динамикасига таъсири Қашқадарё вилоятининг маъмурий-ҳудудий жиҳатдан ташкил этилишига боғлиқ ҳолда, ижобий томонга ўзгариб борган. Олиб борилган тадқиқотлар ўлимнинг ҳозирги даражаси ўн-ўн беш йил сақланиб қолишидан далолат бермоқда. Ундан кейин эса, урушдан кейин туғилган авлод вакиллари табиий ўлим жараёни билан боғлиқ ҳолда унинг бир оз ортиши кутилади, чунки, ўша давр аҳолисининг туғилиш кўрсаткичлари сезиларли юқори бўлган эди. Бу эса меҳнат ресурслари шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади, албатта. Мустақилликнинг илк йилларида вилоятда аҳолининг миграцион ҳаракатига оид рақамлар 20-21 минг киши атрофида бўлган бўлса-да, кейинчалик бу рақамлар пасайиб келган ва ҳозирги даврда йилига тахминан 10-12 минг киши вилоятда мигрант сифатида рўйхатга олинмоқда. Миграция жараёнлари ҳудуд меҳнат ресурсларининг сифатий ривожланишига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатди.

Меҳнат ресурслари шаклланишида демографик омиллардан ташқари ижтимоий омилларнинг ҳам роли юқори. Жумладан, ижтимоий омиллардан таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-маданий аҳамиятга эга объектлар, клублар, оммавий кутубхонлар мавжудлиги ва улар фаолияти меҳнат ресурслари шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, меҳнат бозорига илк бор чиқаётганларнинг таркибий тузилиши минтақа ва унинг субъектлари ички вазиятидан келиб чиққан ҳолда, намоён бўлади. Бу, биринчидан, уларнинг юқоридаги ижтимоий омиллардан таълим муассасалари билан таъминланиш даражасига, иккинчидан, ишчи кучига бўлган талабнинг маълумотлилик таркибига, учинчидан эса ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳолининг турмуш даражасига боғлиқ.

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари бўлғуси меҳнат ресурслари сифатида таълим даврида олган билим ва кўникмалар, уларнинг олий таълим босқичи ва меҳнат бозорида ўз ўринларини топишида муҳим рол ўйнайди. Бироқ, вилоятлардаги ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазият бу кўрсаткичларга ўзига хос таъсир кўрсатади. Чунончи, амалга оширилган тадқиқот республикада 10 ёш ва ундан юқори ёшдаги барча аҳолининг 12,8 фоизи тугалланган ва тугалланмаган, 17,3 фоизи ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар эканлигини кўрсатса, Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич мос ҳолда 10,1 фоиз ва 16,4 фоизга тўғри келади. Шунингдек, кўрилатган кўрсаткич бўйича, Республика ва вилоят ўртасидаги нисбат қуйидагича: умум ўрта маълумотлилар 47,0 фоиз ва 49,5 фоиз; тўла бўлмаган ўрта маълумотлилар эса 22,9 фоиз ва 24,0 фоизни ташкил этмоқда.

Гувоҳи бўлганингиздек, мактаб маълумоти билан чегараланган 10 ёш ва ундан юқори ёшдагилар улуши вилоятда нисбатан юқори. Мавжуд вазият иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг маълумотлилик даражасига таъсир кўрсатади. Гарчи, вилоятда банд аҳолининг ҳар минг киши ҳисобида маълумотлилик даражаси ортиб бораётган бўлсада, у ҳали республика даражасига тенглаша олмаган.

Меҳнат ресурслари шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий омиллардан яна бири бу — аҳолининг саломатлик даражаси ёки ҳудудда соғлиқни сақлаш тизими ҳолатидир. Аҳоли, айниқса меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг ўлими даражаси қанчалик паст бўлса, меҳнат ресурслари шаклланиш суръати шунчалик юқори бўлишига олиб келади. Қашқадарё вилоятида мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш, аҳолини саломатлик даражаси ҳамда ўртача умр кўриш ёши ортишига таъсир кўрсатган ислохотлар олиб борилиши натижасида, бир қатор кўрсаткичлар ижобий кўринишга эга бўлди. Кейинги йилларда тиббий муассасалар ва улардаги ўринлар сони, ҳар минг кишига нисбатан коэффицентлари бироз пасайган бўлсада, аҳолининг бирламчи касалликларга чалиниши, ўткир ва юқумли касалликлар билан оғриганлар сони кескин камайганини эътироф этиш лозим. 2011 йилда вилоятда ҳар 100 минг инсондан салкам 46 минг нафари илк марта касаллик билан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу рақам 39,4 мингни ташкил этган. Соғлиқни

сақлаш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя соҳасида олиб борилган ислохотлар натижасида вилоятда аҳолининг ўртача умр кўриш ёши 1991 йилда 67 йилдан 2018 йилда 74,2 йилгача ошди.

Диссертациянинг «Қашқадарё вилоятида меҳнат ресурслари ривожланишининг устивор йўналишлари» деб номланган учинчи бобида вилоят аҳолисининг меҳнат билан бандлик даражаси ва унинг иқтисодий тармоқларидаги таркибий ўзгаришлари таҳлиliga бағишланган. Шунингдек, нафақат вилоятда, балки республиканинг деярли барча ҳудудларида долзарб ҳисобланган меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш жараёнидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишнинг истиқболли йўналишлари таҳлил этилган.

Мустақиллик йиллари аҳоли бандлиги соҳасида рўй берган ўзгаришлар, уни шартли равишда иккига, яъни, меҳнатга лаёқатлиларга нисбатан бандлар салмоғининг камайиши ва кўпайиш давларига ажратишга асос бўлади. Унинг биринчиси 1991-1996 йилларга тўғри келиб, бу даврда минтақа иқтисодиёти тармоқларида бандлар салмоғи 72,6 фоиздан 60,7 фоизгача қисқарган. Мазкур вазият дастлаб аксарият корхоналардаги хўжалик алоқаларининг узилиши, ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши билан бошланган бўлса, кейинчалик у мулк шаклининг ўзгариши ва баъзи соҳалардаги ортиқча ишчи кучини четлатиш билан боғлиқ ҳолда давом этган. Миллий иқтисодиётни соғломлаштиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш жараёнида қишлоққа саноатни олиб кириш ва бандликнинг ноанъанавий шакллари ташкил этиш орқали унинг тармоқ тузилиши ўзгартириб борилди. Ушбу тадбирлар натижаси ўлароқ, 1997 йилдан вилоят иқтисодиётида банд бўлганлар салмоғининг ошиб боришига эришилди. Бу эса аҳоли бандлиги динамикасида янги даврни бошлаб бердики, у ҳозиргача ҳам давом этиб келмоқда. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари (иқтисодий фаоллик, бандлик, ишсизлик ва иш билан таъминланиш даражалари) рўй бераётган ўзгаришларни ўзида яққол ифода этади (1-расмга қаранг). Вилоят иқтисодиётида банд бўлганлар 1223,1 минг (2018 йил якунида) киши бўлиб, уларнинг салкам 60 фоизи ёки 729,2 минг нафари норасмий секторда меҳнат қилмоқда. Ҳудуддаги хўжалик юритувчи субъектларнинг 80 фоиздан ортиғи кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади. Бироқ, иш билан бандликнинг давлат ва нодавлат секторлари ўртасидаги бундай тақсимоти воҳанинг барча субъектлари – туманларига хос эмас. Хусусан, Муборак, Косон, Касби, Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз туманларида стратегик аҳамиятга молик корхоналарнинг нисбатан кўплиги уларда давлат тармоғида бандлар улушининг бироз юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари муҳим рол ўйнайди. Уларда ҳозирги кунда жами бандларнинг 75 фоиздан ортиғи фаолият кўрсатмоқда. Шаҳрисабз, Китоб, Яққабғ, Қамати, Миришкор, Чироқчи туманларида бу кўрсаткич 75-80 фоиз атрофида.

Мустақиллик йилларида мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусий секторни жадал ривожлантирилиши иш билан бандликнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу ҳол, айниқса, вилоятнинг Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Ғузор туманларида яхши натижа бериб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 80 фоизигача иш билан таъминланишига олиб келди.

Вилоятда ишга жойлаштириш жараёнларининг таҳлили ишчи кучини иш билан таъминлашда саноат, қурилиш соҳалари билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ҳам асосий рол ўйнаётганлигидан гувоҳлик бермоқда. Чунончи, 2018 йил якунларига кўра, жами иш ўринларга эга бўлганларнинг 42,0 фоизи (1999 йили 51,3%) аграр соҳаларга тўғри келиб, у 21299 иш ўрнини ташкил этади. Ушбу ҳолат, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ташкил этилиши билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Моддий тармоқларда бандлар улушининг юқори даражада сақланиб қолиниши, қишлоқ хўжалигидан катта миқдорда ишчи кучининг ажралиб чиқаётганлиги ва уларни иш билан таъминлашдаги муаммолар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуранинг тўлиқ шаклланмаганлиги каби омиллар минтақада аҳоли бандлигини яхшилашга тўсқинлик қилмоқда.

Худуднинг меҳнат ресурслари шаклланишига таъсир этувчи омиллари қаторида демографик жараёнлар бирламчи ўринларни эгаллагани боис, аввало аҳолининг баъзи демографик кўрсаткичлари борасидаги таҳлилларга эътибор қаратилди. Мавжуд жараёнлардаги ўзгаришлар динамикасини баҳолаш мақсадида муаллиф томонидан 2016 йилнинг март-апрел ойларида аҳоли ўртасида социологик-демографик тадқиқот ўтказилди. Махсус танловга асосланган ушбу тадқиқотда вилоят туманларидаги 1000 та оила жалб этилди.

Тадқиқотда аҳолининг тадбиркорликнинг қайси турлари билан шуғулланиш истаклари мавжудлиги ўрганиб чиқилди. Сўров натижаларига кўра, вилоятнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва аҳоли иш билан бандлигининг тармоқ тузилишидан келиб чиққан ҳолда, тижорат-воситачилик (36,8%), ўз фермер хўжалигини юритмоқчи бўлганлар кўпчилики (34,6%) ташкил этади. Вилоятда кўплаб тарихий обидалар, ўтмиш ажойиботлари сақланиб қолган, шунингдек, бетакрор табиий-иқлимий шароитга эга бўлган рекреация-туризм йўналишлари мавжуд бўлсада, тадбиркорликнинг мазкур тури билан шуғулланиш истагида бўлганлар ниҳоятда кам (3,7 %).

Диссертацияда илк бор Қашқадарё вилояти туман ва шаҳарларининг мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси рейтингги ишлаб чиқилди ҳамда ушбу рейтинг асосида гуруҳлаштирилди (2-расмга қаранг). Олиб борилган ҳисоб-китобларда, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси юқори бўлган туманлар — Муборак, Миришкор туманлари ва Қарши шаҳри тажрибаларидан унумли фойдаланиш, ва аксинча, кўрсаткичлар нисбатан паст бўлган Чироқчи, Шаҳрисабз ва Китоб туманларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур. Вилоятнинг қадимдан аҳоли зич яшаган, табиий шароити қулай, деҳқончилик ва ҳунармандчилик

ривожланган туманлари нисбатан рейтингда паст кўрсаткичга эга бўлиб, аксинча, вилоятнинг ғарбий туманлари, ўтган асрнинг 60-70-йилларида чўл ҳудудларни ўзлаштириш ҳисобига пайдо бўлган туманлар юқори ўринларда эканлиги ўзига хос парадоксни вужудга келтиради.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси рейтингги натижаларига кўра, Қашқадарё вилояти туман ва шаҳарлари уч гуруҳга ажратилди.

1. Меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган (меҳнат ресурслари ортиқча) ҳудудлар.

